2015 йил 9 июнь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (12.931)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 июнь куни Оқсаройда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ияд Амин Маданийни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон элликдан ортиқ мамлакат аъзо бўлган ушбу нуфузли халқаро тузилма билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан тараққиётга эришаётганини юқори баҳолади.

Учрашувда таъкидланганидек, Ислом ҳамкорлик ташкилотига 1996 йилда аъзо бўлган Ўзбекистон унинг серқирра фаолияти ва тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда, жаҳонда ташкилотнинг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг навбатдаги учрашувини мамлакатимизда ўтказиш ва ташкилотнинг мазкур муҳим институтига 2016 йилда Ўзбекистон раислик қилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши ҳамда «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги нуфузли халқаро конференция ўтказилиши мамлакатимиз билан Ислом ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар ривожида муҳим босқич бўлди.

Оқсаройда ўтган учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ГАРОВИ

***Ўзбекистон Банк-молия академиясида «Иқтисодиётда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш – инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш омили» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, акциялаштириш жараёнини ривожлантириш кўламининг ўсиб бораётгани корпоратив бошқарув ва акциядорлик жамиятлари фаолиятидан тушадиган даромадларни тақсимлаш тизими ҳамда хусусийлаштириш жараёнининг бошқа бир қатор йўналишларида ҳал этилмаган муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

– Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида корпоратив бошқарув корхоналарининг улуши қарийб 30 фоизни ташкил этмоқда, – дейди Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази директори ўринбосари А.Обидов. – Минерал ресурсларни ишлаб чиқариш ва бошқа кўплаб йирик саноат корхоналари бугунги кунда етакчи акциядорлик компаниялари саналади. Шу боис Ўзбекистонда янги, халқаро талабларга тўла мос келадиган корпоратив бошқарув шаклини жорий этиш инвестицион муҳитнинг янада яхшиланишида муҳим роль ўйнайди.

Фармонда белгиланганидек, ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорликда Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказини ташкил этиш мақсадида ҳозирги вақтда Германиянинг учта олий ўқув юрти билан битимлар имзоланди. Унга кўра корпоратив бошқарув ташкилий шакллари ва замонавий услубларини жорий қилишни методик таъминлаш, шунингдек, халқаро талаблар даражасида иш кўрадиган бошқарув ходимларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича хорижлик ҳамкорлар билан иш олиб борилади.

Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши, унда банк-молия соҳасининг фаол иштироки мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда устувор аҳамиятга эга. Бу борада банкларнинг ликвидлигини ошириш, инвестицион фаоллигини кучайтириш, молия-кредит муассасалари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги корхона ва ишчи ўринларини ташкил этиш, уларнинг экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш, хорижий инвестициялар ва ички ресурсларни жалб қилишни янада кенгайтириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Давра суҳбатида микромолиявий ташкилотлар, суғурта ва лизинг компанияларининг мамлакатда фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдаги ролини ошириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**Б.БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Ёшлар — келажагимиз**

## КИТОБЛАР — БЕБАҲО МАЪНАВИЙ БОЙЛИК

***Тошкент архитектура ва қурилиш касб-ҳунар коллежида Миробод туманидаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежлар қошида фаолият олиб бораётган «Ораста қизлар» тўгараги аъзолари иштирокида ўтказилган тадбир китобхонлик ва мутолаа маданиятига бағишланди.***

— Туманимиз маҳаллаларида ва ўқув муассасаларида «Ораста қизлар» тўгараклари фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди Миробод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Мадаминова. — Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, ёшларни миллий ва умуминсоний ғоялар руҳида камол топтиришда мазкур тўгаракларнинг аҳамияти каттадир. Шунингдек, тўгарак машғулотларида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, қизларнинг касбларига оид тушунча ва қизиқишларини ўрганиш, уларни ўқув муассасаларига тўлиқ қамраб олиш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу тадбир ҳам қизларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтириш, уларнинг онгини китоблар орқали теран ғоялар ва эзгуликка йўғрилган тушунчалар билан тўлдириш, турли информацион таҳдидлардан ишончли тарзда ҳимоялаш, ҳаётга фаол муносабатни шакллантириш мақсадларини қамраб олган.

Мазкур тадбир ёшларнинг китобга бўлган муҳаббатини кучайтириш, бадиий жиҳатдан юксак асарларни ўқишни тарғиб этиш орқали «Оммавий маданият» ҳамда интернет хуружларидан уларни асраб қолиш ҳамда қизлар ўртасида китобхонликни, китобни саралаб ўқиш маданиятини тарғиб қилади. Шу билан бирга, «Ораста қизлар» тўгараги фаолларининг салоҳиятидан кенг фойдаланиш, ёшлар онгига шахсий кутубхона ташкил этиш ғоясини сингдириш, оилада китобга бўлган меҳрни кучайтириш, китоблар тўпламининг қизлар сарпосидан ўрин олишини урф-одатга, ҳаёт тарзига айлантиришга хизмат қилади.

Тадбирда китобларнинг инсон ҳаётига ва яшаш тарзига ижобий таъсири, маънавий-маърифий аҳамияти хусусида мулоҳазали, мушоҳадали, қизғин фикрлар билдирилди.

Иштирокчилар Зулфияхоним қаламига мансуб бўлган шеърлардан парчаларни ёд олишди.

— Бундай тадбирлар биз ёшларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар бўлиб етишишимизда, Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида камол топишимизда ва китобларга ошно бўлиб ўсишимизда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш касб-ҳунар коллежининг «Ораста қизлар» тўгараги етакчиси Нигорахон Йўлдошева.

Тадбир доирасида китоблар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди, унда бадиий, фантастик, илмий, психологик китоблардан ташқари қизиқарли энциклопедиялар ҳам намойиш этилди.

Дарҳақиқат, китоб тафаккур ва онг сарчашмасидир. Ёшларни эзгуликка, яхшиликкка ва гўзал туйғуларга ошно этадиган маънавий-маърифий бебаҳо бойлик саналади. Миллатимиз эртаси бўлган қизларнинг келажакда жамиятимизнинг фаол аъзоси, оиланинг фариштали, сариштали бекаси, фарзандларнинг меҳрибон онаси бўлиб етишишида китобларнинг алоҳида ўрни бор.

Зеро, инсон онгу шуурини тозалайдиган, унга энг беғубор хислатларни жамлайдиган, она Ватанни севишга, кўз қорачиғидек асраб-авайлашга чорлайдиган ягона восита ҳам аслида китобдир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

***«Ўзкўргазмасавдо» марказида Тошкент шаҳар ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.***

Унда электротехника, металлургия, машинасозлик, қурилиш материаллари, дори-дармон, тиббиёт, енгил саноат, чарм-пойабзал, кимё, мебель, чинни, босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқлари ва бошқа корхоналар иштирок этмоқда. Корхоналар стендларида пойтахтимиз саноати салоҳияти, хусусан, маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган маҳсулотлар, илғор инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда халқ истеъмол моллари намойиш этилди.

– Корхонамизда тиббиёт ускуналари ва мебелларининг кўплаб тури тайёрланади, – дейди Чилонзор туманидаги «Med ros techno line» корхонаси менежери Бекзод Марасулов. – Жорий йилдан кексалар ва ногиронлар учун йиғиладиган ва ўзи бошқариладиган аравачалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан бундай ускуналарнинг нархлари арзонлаштирилди. Мазкур ярмаркада тиббиёт бирлашмалари билан 500 миллион сўмлик шартнома имзоладик.

Анъанавий тармоқ саноат ярмаркалари ва кооперация биржалари иқтисодиётимизни янада жадал ва барқарор ривожлантириш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий ва самарали технологияларни жорий қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 мартдаги «2015 йилда Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент шаҳрида 10,5 мингдан зиёд ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд бўлиб, уларнинг ушбу тадбирларга бўлган қизиқиши тобора ортмоқда. Ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 250 саноат корхонаси иштирок этмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 1,1 марта кўп демакдир.

– Корхонамиз матбаа хизматлари кўрсатишга ихтисослашган, – дейди «Қувончбек Машҳура» масъулияти чекланган жамияти вакили Алишер Аронов. – Ранг-баранг этикеткалар, маҳсулотлар учун қадоқлаш қутилари, блокнотлар, каталоглар, буклет, календарь ва зарли ёзувлар шулар сирасидандир. 2014 йилги ярмаркада Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги ташкилотлар билан 480 миллион сўмлик шартнома тузган эдик. Бу йил мўлжалимиз янада юқори.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Жорий йил ёзги соғломлаштириш мавсумида Қорақалпоғистон Республикасининг сўлим гўшаларидаги 6 доимий ва 20 кундузги оромгоҳда 11 минг ўқувчини дам олдириш режалаштирилган. Элликқалъа туманидаги мовий Ақчакўл бўйида жойлашган «Орол болалари» оромгоҳи жорий мавсумни 200 нафар болани қабул қилиш билан бошлади.**
- **Самарқанд вилоятида жорий йил ёзги соғломлаштириш мавсумида 22 минг 500 болани оромгоҳларда дам олдириш режалаштирилган. Бунинг учун сўлим табиат қўйнида жойлашган 25 доимий ва 52 кундузги оромгоҳларда зарур шароит яратилган. Айни пайтда мазкур муассасаларда мавсумнинг биринчи босқичи бошланди.**
- **Жиззахда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.**
- **Самарқандда «Ҳамшира – 2015» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ҳамширалар ассоциацияси томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда танловнинг туман, шаҳар босқичида ғолиб бўлган ҳамширалар ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.**
- **Навоийда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

- **Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳри яқинидаги «Темперлей» темир йўл станциясида иккита поезд бир-бири билан тўқнашиб кетди. Йўловчи поезди локомотивга бориб урилган. Натижада эллик нафардан ортиқ одам жароҳатланган. Уларга тиббий ёрдам кўрсатиляпти.**
- **«Бундесбанк» Германия иқтисодиётининг 2014 ва 2015 йилдаги ўсиш суръатларига оид прогнозини оширди. Унга кўра, жорий йилда мамлакат иқтисодиёти 1 фоиз эмас, балки 1,7 фоиз, келгуси йилда эса 1,6 фоиз ўрнига 1,8 фоизга ўсади. Бундан ташқари, мутахассислар дефляция ҳолати ортда қолганини ҳам таъкидлашяпти.**
- **Ўтган ҳафтада Малайзия шарқидаги Сабоҳ штатида 5,9 балли зилзила рўй берди. Табиат ҳодисаси оқибатида 18 киши ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, кўчалар, уйлар жиддий зарар кўрган. Ушбу ҳудуд яқинида Кинабалу тоғлари жойлашганлиги боис, бу ер доим альпинистлар билан гавжум бўлади. Ер силкиниши улар ҳаётига ҳам хавф солгани айтилмоқда.**

***Мамлакатимиз биржасида савдо иштирокчиларининг юқори даражадаги рақобати ва тенг иштирокини таъминлайдиган, электрон савдо шаклида амалга ошириладиган замонавий давлат харидлари тизими жорий этилгани ўз афзалликларини намоён этмоқда. Электрон савдолардаги давлат харидлари ҳажми ошаётгани, савдо якунлари бўйича кўп миллиард сўмлик бюджет маблағлари тежаб қолинаётгани бунинг исботидир. Бу жараёнда кичик бизнес субъектлари ҳам фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.***

**Янги қонун кучга кирди**

# ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. 2015 йил 23 майда матбуотда «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун эълон қилинди. Мазкур қонунга асосан «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди.

Янги қонун миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. 20 моддадан иборат қонуннинг асосий мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Қонунда «электрон тижорат» тушунчасига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси, деб аниқ таъриф берилган. Унинг асосий принциплари электрон тижоратда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги, шартномалар тузишнинг ихтиёрийлиги, унда иштирок этиш шарт-шароитларининг тенглиги, иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кўзда тутади.

Маълумки, электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати ушбу соҳани ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий ва бошқа шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган. Бунда асосий эътибор электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, соҳага инвестициялар, замонавий технологиялар ва жиҳозларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг электрон тижорат соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик ва бошқа ахборотлар билан таъминлаш, электрон тижорат соҳасидаги илмий-техникавий тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш изчил қўллаб-қувватланади.

Қонунда ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Унга кўра, соҳани давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва электрон тижорат соҳасида махсус ваколат берилган давлат органи амалга ошириши белгиланган. Ушбу нормалардан келиб чиқиб, тегишли органларга маълум бир ваколатлар ҳам юклатилган.

Қонуннинг 7-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси электрон тижорат соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлаш ва амалга ошириш, давлат органларининг электрон тижорат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боришни ҳамда соҳада халқаро ҳамкорликни таъминлайди.

Махсус ваколатли давлат органи соҳадаги давлат дастурларини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади. Бошқа манфаатдор давлат органлари ва ўзга ташкилотлар билан биргаликда, ўз ваколатлари доирасида, электрон тижорат соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Соҳани ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади. Электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради. Соҳа фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ва уларнинг ижросини таъминлашда иштирок этиш ҳамда бу борада тадқиқотлар ва мониторингларни ташкил этади.

Ушбу муносабатларни тартибга солишда электрон тижорат иштирокчиси ва ахборот воситачиси муносиб ўринни эгаллагани боис, қонунда уларнинг фаолиятига ҳам ойдинлик киритилган. Хусусан, электрон тижорат иштирокчиси деганда электрон тижоратда товарларни (ишлар, хизматларни) сотувчи ёки уларнинг харидори бўлган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади. Ахборот воситачиси – электрон тижоратда электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик шахсни англатади.

Бундан ташқари, қонунда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, электрон тижоратдаги шартнома шартлари, шартномани тузиш ва бажариш, офертага қўйиладиган талаблар, давлат харидлари ва корпоратив харидларни амалга ошириш, шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш масалалари ҳам акс этган. Кўриниб турибдики, янги таҳрирдаги қонуннинг мазмуни аввалгисидан анча кенгайтирилиб, бир қатор янги моддалар қўшилган.

Қонуннинг аввалги таҳририда электрон тижоратнинг асосий принциплари, электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати, электрон тижорат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, ҳукумат ва махсус ваколатли давлат органининг бу соҳадаги ваколатлари, электрон тижоратдаги электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг юридик кучи ва бошқа шу каби нормалар назарда тутилмаган эди. Янги таҳрирдаги қонунда ушбу масалалар ўзининг ҳуқуқий ечимини топган.

Янги қонун электрон тўловлар тизимини янги босқичга кўтаради. Чунки шу асосда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини юқори даражада рақамлаштиришга кенг йўл очилди. Бу савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатларни камайтириш, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри шартномавий муносабатларни ўрнатиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишга хизмат қилади.

**Зафар РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги**
**Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлари номзоди.**
**(ЎзА)**

**Анжуманлар**

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон тиббиётининг офтальмология тизими ва ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази директори Зафар Сиддиқов ва бошқалар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги, юксак талабларга жавоб берадиган мукаммал тизими яратилганлигини таъкидлаб ўтишди.

Бугунги кунда шаҳримизда ва вилоятларда соҳага ихтисослаштирилган олтмишга яқин тиббиёт муассасалари аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Мазкур тиббиёт масканларида энг илғор диагностика ва даволаш усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Айни пайтда ушбу тизимда 1200 нафарга яқин офтальмолог, 10 нафар фан доктори, 50 дан зиёд фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз бўйлаб эса 700 га яқин офтальмологияга ихтисослаштирилган хоналарнинг ишлаб тургани юртимизда ушбу соҳага бўлган катта эътибордан дарак беради.

Пойтахтимиз ва вилоятлардаги офтальмология шифохоналари факоэмулисифакатор, ультратовушли биомикроскоп, компьютер периметр, оптик когернет томограф, А,В сканер каби замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган.

Кўз микрохирургияси фан-техника тараққиётига уйғун равишда жадал ривожланмоқда. Жумладан, ўн йилдан ортиқ фаолият юритаётган Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказида халқимизга малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган марказда кунига бир юз эллик қатновга мўлжалланган маслаҳат-ташхис поликлиникаси, эллик ўринли стационар, замонавий лаборатория, жарроҳлик ва марказлашган стерилизация бўлимлари мавжуд.

Марказда кўз касалликларини эрта аниқлаш ва самарали даволашда дунёнинг илғор тажрибалари ва юксак технологиялари кенг қўлланилмоқда. Жумладан, катаракта, миопия касалликларини даволашда қўлланилаётган лазер жарроҳлиги усули, глаукома ва неоваскуляр глаукомани даволашда қўлланилаётган ксеноколлаген дренаж имплантацияси, тўр парданинг оғир хасталикларини даволашда қўлланилаётган витреоретинал жарроҳлик амалиётлари бунга мисолдир.

Олимларимиз жаҳон тиббиётининг долзарб масалалари бўйича янги тажрибаларни амалга киритмоқда. Бу жараёнда юртимиз ва хориждаги етакчи илмий-тадқиқот муассасалари ва клиникалари билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Ўтган йили ўн нафарга яқин олим ва шифокорлар АҚШ, Германия, Бельгия, Россия ва бошқа мамлакатлардаги тиббиёт марказларида малака ошириб қайтди. Бундай илмий тажриба алмашув тиббий хизматни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диагностика ва даволашнинг янги усулларини кенг ёйиш, замонавий тиббий ёрдамни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида жойларда етук олимлар, малакали тиббиёт ходимлари иштирокида мунтазам равишда маҳорат дарслари уюштирилмоқда.

Бундай тадбирлар кўз касалликларини камайтириш, аҳолининг саломатлик кўрсаткичини оширишда ўз самарасини бермоқда. Буларнинг барчаси юртимизда инсон манфаатларига йўналтирилган ислоҳотларнинг муҳим натижаларидир.

Анжуманда офтальмология ва кўз микрожарроҳлиги соҳасида тиббиётимиз ва илм-фанда эришилаётган ютуқлар, жаҳон тиббиётининг илғор услубларини ўзлаштириш ва амалиётда қўллашнинг самарали усуллари, халқаро ҳамкорлик лойиҳалари ва келажакдаги вазифалар хусусида сўз борди.

Тадбир давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

**Гулчеҳра САТТОР қизи**



Отабек Мирсоатов олган сурат

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2014 йил якунларига кўра пойтахтимиздаги корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 14 триллион сўмни ташкил этган бўлса, бунда ҳудудий корхоналар улуши 60 фоиздан ошди. Саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши шаҳар бўйича 21,8 фоизни ташкил этди.

– Ўтган йили ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида 40,3 миллиард сўмлик ички шартномалар имзоланган, – дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Саидали Насриддинов. – Бундан ташқари, иштирокчилар ўз маҳсулотларини экспортга сотиш учун 51,5 миллион долларлик келишувларга эришган эди. Жорий йилда 50 миллиард сўмлик ички ва 55 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланиши кутилмоқда. Бу жараёнда кичик корхоналарнинг «Ўзавтосаноат», «Ўзбекчармпойабзали», «Ўзфармсаноат» каби йирик корхоналар билан кооперация алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда.

Ярмарка доирасида ҳудудий саноат корхоналари, ташқи саноат компаниялари, Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси ва бошқа ташкилотларнинг тақдимотлари ҳам ўтказилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

***Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини янада такомиллаштириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам беришда турли тадбир ва учрашувларнинг ўрни каттадир.***

# ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Сергели туманида «Тадбиркорлик фаолияти давлат ҳимоясида» мавзусида тадбиркорлик субъектлари билан бўлиб ўтган учрашув фикримизнинг ёрқин далилидир.

Юртбошимизнинг хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони билан айнан республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушни изчил ошириш мақсадида қилиниши керак бўлган ишларга кенг йўл очилди.

Ушбу фармонга асосан 2015 йилнинг 1 июлига қадар турли идоралар ҳузуридаги «бир дарча» хизматлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматлари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилиши, «бир дарча» марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар тизимга интеграция қилиниши, таъсис ҳужжатлари ва давлат хизматларидан фойдаланиш учун тақдим этиладиган бошқа ҳужжатлар, жумладан, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомиллари намунавий шаклларининг ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

Тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилган учрашувда ҳам қизғин савол-жавоблар билан ўтди. Унда Тошкент шаҳар прокуратураси, шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, Архитектура ва қурилиш бошқармаси ҳамда қатор давлат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этиб, турли ҳуқуқбузарликлар, кўнгилсиз ҳолатлар, қоидабузарликларнинг олдини олиш юзасидан маслаҳатлар бериб ўтдилар.

Кўпчилик корхона директорлари ва ёш тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар. Бундан ташқари, турли талаб ва таклифлар муҳокама қилиниб, янги лойиҳалар кўриб чиқилди.

**Камолиддин ҲАМДАМОВ**

**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**

# ОГОҲЛИК — ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ

***Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган турли можаро ва тўқнашувларнинг кучайиши умумқўшин тузилмаларида қўшинларни бошқариш тизимининг таркибий қисмларини ривожлантириш истиқболларини белгилашда илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишни, мавжуд назарий қарашларни бойитиш ва такомиллаштиришни талаб этмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучлари таркибидаги қисм ва бўлинмаларнинг жанговар имкониятлари, куч-қудрати, ҳаракатчанлиги ва уларни бошқариш самарадорлиги ҳам сезиларли даражада оширилди.***

Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясида илғор хорижий давлатлар армиялари умумқўшин тузилмаларида қўшинларни бошқариш тизимининг таркибий қисмларини ривожлантиришни ўрганиш мавзусида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда шулар хусусида фикр юритилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси олий ҳарбий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирок этди.

Қуролли Кучлар академияси бошлиғи И.Илёсов ва бошқалар миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида Қуролли Кучларимизнинг замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланиши, ҳарбийларимизнинг жисмоний-руҳий ва интеллектуал тайёргарлиги мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг ишончли омили эканини таъкидлади. Шу билан бирга, доимий огоҳлик, сезгирлик осойишталикнинг муҳим гарови экани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Қуролли Кучлар ташкил топганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган табригида ҳарбий қурилиш, қўшинларнинг хизмат-жанговар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва замонавий ҳарбий санъат ютуқларини чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган, босқичма-босқич ва ўзаро боғлиқ ислоҳотлар дастурларини самарали ва изчил амалга ошириш армиямизни ташкил этишнинг кўп жиҳатдан ҳал қилувчи шарти ва гарови бўлиши таъкидланган. Бу борадаги ишларни изчиллик билан давом эттириш, ҳарбий-илмий изланишларни чуқурлаштириш мамлакатимиз мудофаа қобилияти, Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини янада оширишга хизмат қилади.

Анжуманда академия тингловчиларининг профессионал тайёргарлик даражаси, ижодий фикрлаш қобилиятини кучайтириш, мустақил иш олиб бориш ва қўшинларда ҳарбий-илмий ишларни ташкил этиш кўникмаларини такомиллаштириш, илғор хорижий давлатлар армиялари умумқўшин тузилмалари тажрибасида қўшинларни бошқариш тизимини ривожлантириш бўйича билимларини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари борасида фикр алмашилди.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Тадбирлар**

# ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

***Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида ёшлар, ўқитувчилар, ота-оналар иштирокида ўтказилган тадбир «Очиқ эшиклар куни» деб номланди.***

Унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган, келажакда санъаткор бўлишни хоҳлаган ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида талабаларнинг таълим олиши учун яратилган шароитлар билан таништирилди.

Дарҳақиқат, мазкур илм масканида ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишишлари учун барча қулайлик ва шароитлар муҳайё қилинган. Замонавий аудиториялар, лабораториялар, ахборот-ресурс маркази талаба-ёшлар хизматида.

Эътиборлиси, тадбирда иштирок этган ёшларнинг аксарияти Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида яратилган қулайликлардан хурсанд бўлишди ҳамда мазкур илм масканида таҳсил олишга аҳд қилганликларини таъкидлаб ўтишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Ҳар бир инсонга бир мартагина яшаш бахти берилади. Демак, шундай ҳаёт кечириш керакки, одамдан фақат яхши ном қолсин. Яхши ном қолиши эса ўз-ўзидан бўлмайди. Аввало, пок ният, кейин эса эзгу мақсадлар йўлида кўпдан-кўп саъй-ҳаракат, меҳнат-машаққат, маънавият, фидойилик, ахлоқ-одоб ва тарбия зарур.***

***Инсон шундай хилқатки, унинг умри давомида қилган эзгу хатти-ҳаракат ва меҳнат-машаққатлари маҳсулларидан у ўтганидан кейин ҳам қолганларга наф етаверади. У яратган боғ ҳосил бераверади. Унинг ижоди, илмидан қолганлар фойдаланаверади. У тарбиялаган солиҳ фарзандлар унинг номини улуғлаб, шарафига шараф қўшиб бораверади. Муқаддас динимизда ана шунга савоби жория, яъни давом этиб турадиган савоб дейилади.***

Муқаддас қадрият

# ҚАБРИСТОНЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ — ЎТГАНЛАР РУҲИНИ ШОД ЭТИШ ДЕМАКДИР

Шундай экан, биз – тириклар ҳамиша ўтганларимиз руҳига эҳтиром кўрсатаверамиз, уларни яхши маънода тилга олаверамиз, ҳақларига дуою фотиҳалар қиламиз.

Қабристон – инсонларнинг бу дунёдаги сўнгги манзили. Ҳар биримиз шунча минг-минг йиллардан буён ришталари узилмай давом этиб келаётган қайсидир одамларнинг зурриётларимиз.

Соддагина мантиқ эса ҳаммага тушунарли бўлса керак: келажак авлод бизни яхшилик билан ёдга олиб туриши учун ҳам биз ўзимиздан олдин ўтганларни хотирлаб туришимиз, уларнинг руҳи олдидаги бурчимизни мукаммал адо этиб яшашимиз, буни муқаддас қадрият билиб, шу анъанани фарзандларимизга қолдириб, тарихий хотирани улар онг-тафаккурига сингдириб кетишимиз зарур.

Бу – бурч. Муқаддас бурч. Бу бурчга кўп нарса киради.

Ана шу бурч, ана шу зарурат, жумладан, ҳар биримиздан қабристонларимизга ниҳоят даражада эътиборли бўлишни тақозо этади.

Жонзотлар орасида фақат инсонгагина онг берилган. Хотира ҳам –онгнинг маҳсули. Инсон учун хотира – буюк неъмат. У шу асосда умри бўйи кўрган-кечирганларини эслаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш имконига эга бўлади. Ота-онаси, яқинлари, таниган-билганлари бу дунёдан ўтганидан кейин ҳам унинг хотирасида абадий яшайверади. Шу тариқа киши сўз билан таърифлаш қийин бўлган енгилликни ҳис этади.

Мустақиллик фуқароларга фақат ҳуқуқ ва эркинликларгина эмас, эътиқод ва виждон эркинлигини ҳам берди. Муқаддас динимиз ўзимизга қайта бошлади. Қадриятларимиз тикланди. Мамлакатимизда диний-тасаввуфий алломаю авлиёларимиз таваллуд тўйларини халқаро миқёсларда нишонлашга киришдик. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (675 йиллиги, 1993), Шайх Нажмиддин Кубро (850 йиллиги, 1995), Абулқосим Замахшарий (920 йиллиги, 1995), Имом Бухорий (1225 йиллиги, 1998), Имом Бурҳониддин Марғиноний (910 йиллиги, 2000), Имом Абу Мансур Мотуридий (1130 йиллиги, 2000), Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (900 йиллиги, 2003), Паҳлавон Маҳмуд (760 йиллиги, 2007) таваллудларини ўтказдик.

Бу улуғ зотлар мақбаралари обод қилинди, унинг атрофида янги мажмуалар барпо этилиб, ислом оламининг табаррук зиёратгоҳларига айлантирилди.

Қуръони каримнинг таржима ва тафсирлари, ҳадиси шариф таржималари амалга оширилди. Кўплаб китоблар чоп этиляпти.

Ҳар йили юртимизнинг минглаб фуқаролари ҳаж ва умра зиёратига бориб келяпти.

2007 йили АЙСЕСКО ташкилоти тарафидан Тошкент *«Ислом маданияти пойтахти»* деб эълон қилинди. Ўша йили шаҳримизнинг Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуаси тамоман янгидан барпо этилди, унинг таркибига кирадиган қадимий меъморий обидалар замонавий талаблар асосида таъмирланди. Бундай савобли ва олижаноб ишлар изчил давом эттирилиб, азим Тошкентнинг кўҳна Минор мавзесида муҳташам масжид барпо қилинди.

Бу эзгу ишлар дунёга ўзбек халқининг хотираси – бутун, ўзлигини унутмаган халқ эканини исботлади. Маънавиятимиз – теран томирларга эга. Муқаддас қадриятлар миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган.

Бежиз эмаски, Юртбошимизнинг 1998 йил ёзида тарихчилар билан суҳбати асносида юзага келган рисоласи айнан «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деб номланмаган. «Ўзликни билиш тарихни билишдан бошланади», – деб ёзади муаллиф ушбу рисоласида. Давомидан эса яна шундай қимматли сўзларни ўқиймиз: «Маънавиятини тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак». Чунки: «Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир».

Тарихий хотира ҳар биримиздан ўзлигимизни англашимиз, айнан кимларнинг авлоди эканимизни, керак бўлса, етти пуштимизни яхши билишимизни тақозо этади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Зангиота зиёратгоҳи мажмуаси фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар режаси»ни тасдиқлади. Режада Тошкент шаҳри аҳлининг ушбу муқаддас мажмуа зиёратига бориши учун шароитлар яратиш ҳам кўзда тутилган.

Аммо собиқ мустабид тузум даврида бизнинг айнан ана шундай миллий эътиқодимизга болта урилди. Жумладан, қабристонларимизда ободонлаштириш ишларини амалга оширишга, ўтганларимиз қабрини эмин-эркин зиёрат қилишга қўйилмади. Шукрлар бўлсинки, бу машъум йиллар ортда қолди...

Қабристонларимизга муносабатимиз ҳам айнан тарихий хотирани қадрлашимиздан келиб чиқади.

Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси берган маълумотларга кўра, пойтахтимиз ҳудудида жами 72 та қабристон мавжуд.

Барча қабристонлар ўз ишчи кучига эга. Эрта тонгдан уларнинг ҳаммаси супурилган, йўлакларига сувлар сепиб қўйилган бўлади. Йўлаклар атрофларига турли-туман гуллар экилган. Зиёратга кирсангиз ўзига хос бир файз сезасиз.

Шундай бўлиши керак. У ерда бизнинг аждодларимиз – бобомиз, бувимиз, отамиз, онамиз, устозимиз, қўни-қўшнимиз, яқинларимиз ётишибди.

Ҳар бир инсоннинг жамиятда ўз ўрни, мавқеи, иззат-ҳурмати бўлгани каби, у ўтганидан кейин ҳам ортда қолганлар хотирасида шу иззат-ҳурмат сақланиши керак. Муқаддас динимизда ўтганлар қабрини зиёрат қилиш ҳам катта савоблар қаторига киритилган. Бизда зиёрат қилишнинг мукаммал одоби шаклланган.

Халқ шу қадар доноки, *ишларинг ҳаддан ташқари юришиб, пичоғинг ёғ устида ўйнаб турганда ҳам мозорга бор, ишинг юришмай, ҳаётнинг оғир синовларига дучор бўлиб юрганингда ҳам мозорни бир айланиб чиқ,* деб маслаҳат беради. Бу бежиз эмас. Ахир, қабристон – ўзига хос бир тарбия мактаби ҳам. Зиёратга борган киши, аввало, покланади, кўнглида эзгуликлар қилиб қолишга шошилиши кераклигини ич-ичидан ҳис қилади.

Ана шу нозикдан-нозик ички туйғу инсонни эзгуликка ундайди.

Зиёратга борганлар бу маконнинг ободлигидан, гуллаб-яшнаб турганидан баҳраманд бўлиши лозим. Бу иш эса фақат қабристон ходимларининггина вазифаси эмас. Ҳар биримиз бу савоб ишга ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур.

Шаҳримизда 475 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Қабристонларнинг барчаси ана шу маҳаллалар ҳудудида. Шундай экан, маҳаллаларда ҳар бир оила ўз хилхоналарига қараб туриши, у ернинг ўт-ўлан босиб кетишига йўл қўймаслиги, гуллар, арчалар экиб, обод қилиб туриши лозимлиги ҳақида тарғибот-ташвиқот олиб борилиши керак.

Ёши улуғ инсонларимиз вақти-вақти билан ўз фарзандлари, набиралари, эвараларини қабристонга олиб келиб, аждодлари ётган маконни зиёрат қилиши: *«Бу ерда буванг, бу ерда бувинг, бу ерда тоғанг, бу ерда амакинг, бу ерда холанг, бу ерда амманг... ётибди»,* – деб тушунтириши, ўтганларнинг яхши ишларини эслаб, ёд этиши, қабристон атрофини тозалаб туришни ўргатиши, ушбу жойнинг муқаддас ва азиз эканлиги тўғрисида панд-насиҳатлар бериши керак.

Вояга етмаган фарзандларимиз онгига авлодларимиз қабрини зиёрат қилиб туришнинг муҳимлигини сингдириб бориш улкан тарбиявий ва маънавий аҳамиятга эга. Бугун биз фарзандларимизни у ерга олиб бориб, ўз аждодларимиз ётган жойни зиёрат қилиб, қабр атрофини саранжом-саришта тутишни ўргатсак, бу одат кейинчалик улғайган фарзандларимизга бебаҳо маънавий бойлик бўлиб қолади. Зеро, шуни унутмаслигимиз керакки, буни одат қилган кишилар оиласида доим қут-барака бўлади. Кўнглига авлодлар руҳи сингган ёшлар ҳеч қачон ёмон йўлни тутмайди.

Зеро, ота ўтди, она ўтди. Мана биз ҳам ёшимиз улғайиб, бола-чақали,ували-жували бўлдик. Аксариятимиз ота-онамиз қурган уйда яшаймиз. Шуни эслаб туришнинг ўзи муқаддас қадрият ҳисобланади.

Мана, яқинда мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланди. Қабристонларга бориб, яқинларимизни зиёрат қилдик. Бу юртимизда мустақиллик йилларида шаклланган янги ва ўзига хос анъанага айланди. Рамазон ойи ҳам яқинлашиб қолди. Рўза мавсумида, Рамазон ва Қурбон ҳайити арафасида, дам олиш кунлари қабристонларимиз зиёратчиларга тўлади.

Энди ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг: кимнингдир қабри обод, бегона ўтлардан тозаланган, гуллар кўкариб турибди, супурилган, тоза-озода, унинг яқинлари хабар олиб турибди, ёнидаги кимнингдир қабрини эса ўт-ўлан босиб кетган, бу яқин орада супурилмаган, қаровсиздан-қаровсиз бўлиб турибди. Кўз ўнгингизда ўша одам эзилиб тургандай бўлиб туюлмайдими?

Қабристон бошдан-охир обод бўлиб туриши керак. Хусусан, шаҳримиз табиати шундайки, нима эксанг, кўкаради. Чўлга яқин ҳудудлардаги мозорларда бир чўп кўкартириш амри-маҳол бўлиши мумкин.

Аммо қабристонга мевали дарахт экилмайди. Қишин-ёзин ям-яшил бўлиб яшнаб туриши учун бундай жойларга манзарали дарахтлар экиш — афзал. Шуниси ҳам борки, ҳар қандай кўчат қабристон мутасаддилари билан бамаслаҳат ҳолда ўтказилиши лозим. Чунки сиз эккан дарахт эртага бошқа бир майитни қўйишга халақит қилиб қолмаслиги зарур.

Халқимизнинг азалий анъаналарига кўра, қуриган дарахт бехосият ҳисобланади. Дунёвий маънода ўйлаганда ҳам, биринчидан, у хунукдан-хунук бўлиб туради, иккинчидан, янги кўчат экишга имкон бермайди, учинчидан, ёнғин хавфини пайдо қилади. Шунинг учун қабристонларимиздаги қуриган дарахтлар ўрнига манзарали дарахтлар экиляпти. Бунинг ўз хосияти бор.

Ҳар бир инсон – аввало, ўз яқинлари учун азиз. Ҳар кимнинг ҳам ўзидан олдин ўтган яқинларининг қабрини обод қилгиси келади. Марҳамат. Аммо қабр устига ҳаддан зиёд тошлар, улкан ҳайкал ва бюстлар қўйиш бизнинг удумимизга тўғри келмайди.

Қабртошлардаги ёзувлар масаласида ҳам муаммо бор. Ҳар ким хоҳлаганини ёзиб кетаверса, яхши эмас. Айрим хатолар билан битилган ёзувлар ҳам оз эмас. Буни ҳам тартибга солиш, камтарона, миллий маънавиятимизга мос ва хос тарзда битиклар битишимиз лозим. Зеро, тошга ўйиб ёзиладиган ҳар бир сўзнинг ўз масъулияти бор.

Тошкент қабристонлари 1968 йили давлат тасарруфига олинган. 2011 йил Ўзбекистон Республикасининг «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси ушбу қонун ижросига оид тегишли қарор ҳам қабул қилди.

Бугунги кунда Тошкент қабристонларининг умумий майдони 520 гектарни ташкил этади. Бу чакана ҳудуд эмас. Ана шу катта майдонни обод этиш – барчамизнинг ишимиз.

Ҳозирда халқимизнинг ўтганларни ёдга олиш, улар руҳини шод қилиш, қабристонларни обод қилиш ҳуқуқи қўлга тегди.Бу борада мисли кўрилмаган ободончилик ишлари амалга оширилди. Қабристонлар назоратга олинди. Уларга элтадиган йўлларни яхшилаш, қабристон атрофига манзарали дарахтлар экиш, аҳоли ва зиёратчилар учун қулай шароитлар яратиш борасида кўп иш қилинди.

Шунга қарамасдан, шаҳримизнинг айрим қабристонларида аҳвол кўнгилдагидек эмаслиги маълум бўлиб қоляпти. Афсуски, баъзи мозорлар қаровсиз ҳолда ётгани аён бўлмоқда. Ёз бошланиб, кунлар исиб кетгани сабабли кўкламда ўсиб чиққан ўт-ўланлар қуриб, қовжираб қолган. Баъзи қабрларнинг йиллаб тозаланмагани ҳам билиниб турибди. Айрим қабристонларда чиқиндилар йиғилиб ётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Қабристон фақат арафа, ҳайит, рамазон ёки бошқа байрамлар кунлари эмас, мунтазам эътиборда бўлиши лозим. Мана, ҳозир шаҳримизда ободонлаштириш ишлари авж олган. Ўтган шанба ва якшанба кунлари кўп маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоалари ташаббус кўрсатиб, яқин ҳудудлардаги кабристонлар, қариндош-уруғларининг хилхоналарини тозалаб, обод этишга бош қўшишди. **Келаётган шанба ва якшанбада, яъни 13-14 июнь кунлари ҳам шаҳримиздаги қабристонларни ободонлаштириш ишларига бел боғласак, айни муддао бўлар эди. Бизнингча, бундан улуғроқ савоб бўлмаса керак.**

**Ахир, яқинларимиз ётган қабрни ўзимиз тозаламасак, биров келиб тозалаб кетмайди-ку.**

**Азиз ҳамшаҳарлар!**

**Инсон бу дунёдан ўтганидан кейин ҳам унинг руҳи абадий қолади. Биз ўтганларимиз ёди билан яшаймиз. Улар хотираси – ҳаммамиз учун муқаддас қадрият.**

**Келинглар, шу муқаддас қадрият ва хотира олдидаги бурчимизни теран англайлик!**

**Олим МАҲМУДОВ**

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

# ТАФАККУР СИНОВЛАРИ

***Тошкент давлат юридик университетида «Тафаккур синовлари» республика танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ташкил этилган танловда саралаш босқичларида ғолиб бўлган жамоалар иштирок этди.

Юртимиз билимли, истеъдодли ёшлар мамлакати. Навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратиб келинаётир.

Танловда жамоалар ўзлари таҳсил олаётган олий таълим муассасасида яратилган шароитлар, илм ва ижод, малака бўйича изланишлар учун яратилган имкониятлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, мутахассисликлари бўйича олган билимларини кўргазмали воситалар орқали намойиш этди.

Тезкор савол-жавоб, муаммо ва ечим, ёшларга оид қонунчилик — талабалар нигоҳида каби шартлар ёшларнинг суд-ҳуқуқ, ижтимоий-сиёсий, маданий ўзгаришлар, инновацион технологияларга оид билимини синовдан ўтказди.

Тафаккур синови шарти давомида юртимиз тарихи, қадамжо ва обидалари, маданий мерос объектлари, шаҳару қишлоқларимизнинг замонавий қиёфаси акс этган видеофильм намойиш этилди. Ушбу шарт асосида талабаларнинг тасвирий санъат борасидаги қобилиятлари баҳоланди.

— Танловда билим ва салоҳиятимиз синовдан ўтказилиб, иродамиз тобланди, — дейди ЎзА мухбирига Тошкент фармацевтика институти талабаси Абдулвоҳид Фазлиддинов. — Бу каби билимлар баҳси биз, ёшларни истеъдодимизни тўла намоён этиш, муттасил изланиш ва янада фаол бўлишга ундайди.

Тошкент давлат юридик университети жамоаси якуний босқичга йўлланма олди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА**

# ДАРСЛИКЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «2015-2016 ўқув йилида умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш чоралари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.***

Унда халқ таълими тизими мутасаддилари, ўқитувчилар, мактаб кутубхоналари ходимлари иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодга пухта билим бериш, уларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, таълим сифати ва мазмунини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда дарсликлар сифатини такомиллаштириш, ўқув адабиётларини таълим масканларига ўз вақтида етказиб бериш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2015-2016 ўқув йили учун барча умумтаълим мактаблари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, жами 454 номда 25 миллион 708 минг нусхадан ортиқ дарслик ва қўлланмалар чоп этилиши режалаштирилган. Бугунги кунда нашриёт ва босмахоналар томонидан нашр этилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар қабул қилиниб, жойларга етказилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида 1-2-синф чет тили дарсликларининг мантиқий давоми сифатида янги ўқув йилига 3-синф ўқувчилари учун муаллифлар гуруҳи томонидан чет тилларидан давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи китоби, мультимедиа иловалари ишлаб чиқилиб, нашриётлар ва босмахоналар томонидан чоп этилмоқда.

2015-2016 ўқув йили учун бошланғич таълим, яъни 2-синф «Атрофимиздаги олам», «Математика», «Она тили», «Ўқиш», «Рус тили», «Книга для чтения» ва «Ўзбек тили» фанлари ўқитувчиларига жами 7 номда 335 минг тиражда методик қўлланма ҳамда уларга қўшимча равишда 41 минг 640 дона DVD диск мультимедиа иловалари тайёрланди. Янги ўқув йилида ўқитувчилар мазкур методик қўлланмадан фойдаланиши кўзда тутилган.

Тадбирда мактаб кутубхонаси жамғармасидаги мавжуд дарсликлар, ўқув-методик қўлланмаларни хатловдан ўтказиш, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарслик билан тўлиқ таъминлаш борасидаги вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Диққат! Диққат! Диққат!**
**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан**
**чет эл инвесторлари диққатига!**
**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган кўп қаватли турар жой биносининг умумий майдони 53 кв.метрга тенг бўлган қисми.

Бошланғич нархи – 202 045 811 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

**Аукцион савдоси 2015 йил 13 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уйда ўтказилади.**

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 27 июль, 10, 24 август, 8, 22 сентябрь, 7, 21 октябрь, 4, 18 ноябрь, 2, 17, 31 декабрь ва 2016 йил 15 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

**Диққат! Диққат! Диққат!**
**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан**
**чет эл инвесторлари диққатига!**
**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган умумий майдони 1459 кв.метрга тенг бўлган маъмурий бино-иншоот.

Бошланғич нархи – 2 650 333 962 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

**Аукцион савдоси 2015 йил 10 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уйда ўтказилади.**

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 24 июль, 7, 21 август, 7, 21 сентябрь, 6, 20 октябрь, 3, 17 ноябрь, 1, 16, 30 декабрь, 2016 йил 14 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 29 майдаги 490-сонли қарорига мувофиқ қуйида кўрсатилган корхоналарнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан:

1. «Yunusobod kichik sanoat zonasini boshqarish direksiyasi» ДУК — «Poytaxt texnopark» МЧЖнинг;
2. «Sergeli sanoat zonasini boshqarish direksiyasi» — Sergeli texnopark» МЧЖнинг;
3. «Yakkasaroy kichik sanoat zonasini boshqarish direksiyasi» ДУК — «Yakkasaroy texnopark» МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Бешинчи босқич: викторина давом этади!

# «СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми»** – **«Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz**, **info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.**

*Савол:*
**Роҳат кўли ёнидаги «Тошкент гольф клуби» қачон ташкил топган?**

Юрт келажаги — сенинг қўлингда

## ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ВА ФАОЛ ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Ёшлик шижоати, изланишлар ва интилишлар маскани, орзу-умидлар гўшаси бўлмиш «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳаёт ҳамиша бирдай шиддатли ва жўшқин давом этади. Чунки бу ерда ёрқин ниятларни қалбларига сингдириб олган ёшлар келажакка ишонч кўзи билан боқиб, дадил қадамлар билан юксакларни забт этишга ҳаракат қилмоқдалар.***

Олмазор туман ҳокимлиги, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси, «Камолот» ЁИҲ шаҳарча Етакчилар кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Юрт келажаги сенинг қўлингда» шиори остидаги тадбирда энг иқтидорли ва фаол талабалар тақдирланди. Яъни шаҳарча ҳудудидаги 7 та олий ва 9 та ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўттизга яқин талаба-ёшлар 2014-2015 ўқув йили давомида фан, таълим, спорт, маданият, санъат ва бошқа кўпгина соҳаларда эришган ютуқлари ҳамда жамоатчилик ҳаётидаги фаол иштироки учун турли йўналишларда рағбатлантирилди.

Жумладан, Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро кўрик-танловда биринчи ўринга сазовор бўлган Умида Йўлдошева, кўл жанги бўйича 13-Халқаро турнир ғолиби Ойбек Жўрабоев, Халқаро Менделеев кимё олимпиадаси ғолиби Фаррух Лутфуллаев, комбат-айкидо спорт тури бўйича уч карра жаҳон чемпиони Эркин Рустамбековлар қўлга киритган улкан муваффақиятлари учун муносиб тақдирланди.

Шунингдек, «Энг намунали талабалар турар жойи» йўналишида Ўзбекистон Миллий университетига қарашли 16-сонли талабалар турар жойи ғолибликни қўлга киритган бўлса, «Энг обод ҳудуд» йўналишида Тошкент Давлат юридик университети жамоасига қарашли 1-сонли талабалар турар жойи биринчи ўринга сазовор бўлди. «Энг уюшқоқ қизлар жамоаси» йўналишида Тошкент Давлат техника университетининг 71-сонли талабалар турар жойи ёшлари, «Энг намунали талабалар турар жойи кутубхонаси» номинациясига эса Тошкент Тиббиёт академиясининг 4-сонли талабалар турар жойи талабалари сазовор бўлди.

— Мўъжазгина шаҳарчамизда фикри хаёли ўқиш, изланиш ва янги ихтироларни яратиш, дунё мамлакатлари узра юртимиз довруғини янада сарбаланд қилишга интилаётган ёшлар таҳсил оладилар, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Қаҳрамон Шоназаров. — 41,5 мингга яқин талаба-ўқувчилар таҳсил оладиган масканимизда ёшларнинг билим чўққиларини забт этишлари ва ўз устиларида ишлашлари учун барча имкониятлар яратилган. Кўркам ва нурафшон гўшага айланган шаҳарчамиз бугунги кунда янада гўзаллашиб, чароғон ва нурли бир илм масканига айлантирилдики, кўрган кўзлар қувонади. Қайси томонга қараманг, ёшлик гўзаллигини кўрасиз, келажакка интилаётган, қалби яратиш ишқи билан ёнаётган, тиниб-тинчимас беғубор нигоҳларга дуч келасиз. Уларнинг шодон чеҳрасида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, халқимизга бўлган меҳр учқунларини, қалбларидан тошиб келаётган нидода эса, мен шу юртга содиқман деган сўзларни илғаб олиш қийинмас. Ҳар бир амалга ошираётган эзгу ишларимиз замирида ёшлар келажаги ва уларнинг бахтли, фаровон ҳаёти қамраб олинган. Мазкур тадбирдан ҳам ёшларнинг ютуқларини эътироф этиш орқали, уларни ҳар йўналишда тақдирлаш ва рағбатлантириш кўзда тутилди.

Дарҳақиқат, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасини имконият ва изланишлар остонаси деб аташ мумкин. Навқирон ёш авлод эса Ватанимиз равнақи ва ривожланиши йўлида яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз нуфузини янада оширишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, келажак бугундан бошланади, бизнинг бугунимиз эса ана шу истиқболи порлоқ, қалби эзгуликка тўлган ёшлардир.

Тадбир сўнгида ғолиб жамоалар ва юксак марраларни забт этган талаба-ёшлар муносиб совғалар билан тақдирланди.

**Гулнигор САТТОРОВА**

Спорт янгиликлари

## АТЛЕТЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРИ

***Хитойнинг Ушань шаҳрида енгил атлетика бўйича давом этаётган Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Светлана Радзивил олтин медални қўлга киритди.***

Тажрибали спортчимиз баландликка сакраш баҳсларида 1,91 метр натижа қайд этиб, қитъада тенгсиз эканини исботлади. Мезбон спортчилар – Ванг Янг ва Зенг Хингжуан кейинги ўринларни эгаллади.

Еттикураш баҳсларида қатнашаётган Екатерина Воронина ядро улоқтиришда 12,84 метр, 200 метрга югуришда 25,66 сония натижа қайд этди. Е.Воронина еттикурашнинг тўртта тури бўйича 3302 очко жамғариб, иккинчи ўринда бормоқда.

* * *

Қозоғистонда 1998-1999 йилларда туғилган енгил атлетикачилар ўртасида бўлиб ўтган халқаро турнирда терма жамоамиз аъзолари 15 олтин, 14 кумуш ва 15 бронза – жами 44 медални қўлга киритди.

Марказий Осиё давлатлари терма жамоалари иштирок этган турнирда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

**Б.АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## БАЙДАРКАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН КУБОГИДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

***Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган Жаҳон кубогининг учинчи босқичи ўз ниҳоясига етди. Турнирда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари 3 та олтин, 3 та кумуш ва 2 та бронза медалига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида Германия терма жамоасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллашди.***

Дунёнинг 35 давлати вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мазкур мусобақада ҳамюртларимиздан Вадим Меньков ва Серик Мирбеков жуфтлиги икки кишилик қайиқда 500 ва 1000 метр масофаларга каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган пойгаларда иккита олтин медални терма жамоамиз ҳисобига келтирди. Аёллар ўртасида 200 метр масофага каноэда эшкак эшиш бўйича бир кишилик қайиқда ўтказилган пойгада Дилноза Раҳматова олтин медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, Вадим Меньков ва Серик Мирбековдан иборат жуфтлик 200 метрга ўтказилган баҳсларда иккинчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари 200 метр масофага каноэда эшкак эшиш бўйича мусобақада Нилуфар Зокирова ҳамда 1000 метр масофага каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган пойгада Герасим Кочневлар ҳам кумуш медаль билан тақдирланди.

Герасим Кочнев 5000 метр масофага каноэда эшкак эшиш мусобақасида бронза медали соҳиби бўлган бўлса, Алексей Мочалов 500 метр масофага бўлиб ўтган пойгада бронза медалга сазовор бўлди.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

***Тошкент Молия институтида шаҳримиздаги олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Мунозара» республика турнирининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.***

## ҒОЛИБ ЖАМОАЛАР РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ

Айни пайтда олий таълим муассасаларидаги «Мунозара» тўгаракларида малакали мутахассислар томонидан турли хил давра суҳбатлари, тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинаётган бўлиб, талаба-ёшлар ўртасида «Электрон китоблар оддий китобларга қараганда афзал», «Ақлий меҳнатдан кўра жисмоний меҳнат фойдали», «Замонавий тиббиёт халқ табобатидан устун», «Экологик муаммолар иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилмайди» каби бир қатор мавзуларда машғулотлар олиб борилди.

Тошкент Молия институтида ўтказилган тадбирда талабалар экологик муаммоларга бағишланган мавзуда мунозарага киришдилар.

Баҳс-мунозара малакали ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Тошкент Молия институти талабалари биринчи, Тошкент Давлат юридик университети жамоаси иккинчи, Тошкент Фармацевтика институти жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлиб, «Мунозара» тўгараклари жамоалари ўртасида ўтказиладиган баҳснинг республика босқичида қатнашиш имкониятига эга бўлди.

— Ушбу тадбирни ўтказишимиздан мақсад мамлакатимизда мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш қобилиятларини ривожлантириш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларга ўртага қўйилган муаммога холис ёндаша олиш, ўз фикрларини асослаш, аниқ баён қилиш малакаларини шакллантиришда кўмак бериш ҳамда тўғри йўналтиришдан иборатдир, — дейди шаҳар «Камолот» ЁИҲ фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Наргиза Каримова.

«Мунозара» баҳсининг шаҳар ҳудудий саралаш босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоалар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати дипломи билан тақдирланиб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Фаол иштирок этган жамоаларга сертификатлар топширилди.

**Саодат САМАТОВА**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2015 йил 7 июль куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Яшнобод туман СИБ томонидан, 10.10.2014й. 1-608/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 Y 589 FA бўлган «Матиз бест» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 695 897 сўм.

2015 йил 23 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Республика Департаменти томонидан, 05.03.2012й. 1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шарқли Мелиса» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10 AZ 010 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 129 000 сўм. 2. 1981 йилда и/ч дав. бел. 10 BE 430 бўлган «Камаз-5311» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 27 574 000 сўм. 3. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10 BE 429 бўлган «Камаз-5511» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 223 000 сўм. 4. 1991 йилда и/ч дав. бел. 10 BA 712 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 752 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 767 CAA бўлган «Газ-2752-414» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 321 000 сўм. 6. 2012 йил 23 июль кунги 1-185д/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 707 AAA бўлган «Тойота Прадо» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 128 746 000 сўм. II. Яшнобод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган: 1. 16.07.2013й. 2-88/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 H 808 EA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 938 213 сўм. 2. 2014 йил 22 июль кунги 1-479/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 T 026 CA бўлган «Эпика» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 027 500 сўм. III. Яшнобод туман СИБ томонидан, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 12.11.2012й. 1-431/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 N 79-77 бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 52 413 931 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 C 909 BA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 56 842 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 M 157 GA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 55 010 305 сўм. 4. 08.02.2013й. 1-09/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 30 R 5531 бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 688 966 сўм. 5. 12.11.2012й. 1-431-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 30 520 RAA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 58 449 162 сўм. 6. 26.03.2012й. 2-29/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 M 002441 бўлган «ISUZU SAZ NP37» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 38 046 822 сўм. 7. 05.09.2013й. 1-586/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 70 E 839 AA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 249 827 сўм. 8. 19.06.2013й. 1-399/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1993 йилда и/ч дав. бел. 01 U 379 HA бўлган «ДЭУ Рейсер» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 290 125 сўм. 9. 12.03.2012й. кунги ижро варақага асосан хатланган, «SARCO» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган, «Toyota 7FB15FV 3000» русумли юк кўтаргич. Бошланғич нархи 9 347 678 сўм. IV. Чилонзор туман СИБ томонидан: 1. 8.09.2014й. 1-4996/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Делта микрокредит ташкилоти» МЧЖда сақланаётган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 731 RA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 000 000 сўм. 2. 11.12.2014й. 57945/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 502 OCA бўлган «Эпика» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 73 000 000 сўм. V. Миробод туман СИБ томонидан, 11.10.2013й. 10838/9-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 028 FBA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 949 000 сўм. VI. Сергели тумани СИБ томонидан, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 31.07.2014й. кунги ижро варақасига асосан хатланган: 1. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 323 EAA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 672 425 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 044 EAA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 730 907 сўм. 3. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 044 NBA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 29 457 059 сўм. 4. 1988 йилда и/ч дав. бел. 01 516 BBA бўлган «Камаз 5511» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 053 972 сўм. 5. 26.05.2014й. кунги ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 10 M 751 FA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 886 739 сўм. 6. 24.06.2014й. 1-243/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман ИИБ ҳовлисида сақланаётган, 1999 йилда и/ч дав. бел. 75 K 511 EA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 575 402 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. *Гувоҳнома: 006388.*

Чилонзор туман ХТМФМТТЭБ умумтаълим мактаблари ошхоналарида фаолият кўрсатиш учун

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Манзил: Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, Қатортол кўчаси, 2/1-уй. Тел: 278-23-75, 273-97-64

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **10 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **10 июнда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11711 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ